



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

25 ноябрь, жума, 1994 йил
Сотува эркин нархда.
№ 233 (981)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер участкалари келтириладиган даромаднинг кўпайтиришдан аҳолининг манфаатдорлигини қўллайиш мақсадида:

1. Туман ва шаҳар ҳокимликлари аҳа тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектар, шахсий ерданчи ҳўжалик юритиш учун 0,06 гектар ер участкасини фуқаролар мероси қолдирадиган умрбод эгаллик қилишига ким ошди асосида сотишга рухсат берилсин.

2. Тажриба тариқасида, Қорақалпоғистон Республикасида, халқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган, шунингдек, зарар келтирилган ва кам рентабелли қишлоқ ҳўжалик қорхоналарининг мулкни мероси қолдирадиган умрбод эгаллик ҳўқуқи фуқароларга ким ошди ва танлов асосида сотилсин. Бунда ажратилмаган ер участкасини сугорилмайдиган ерларда 5 гектардан ошмаслиги зарур.

3. Мазкур масалалар юзасидан тақлиф тайёрлаш ва назоратни амалга ошириш учун ҳамда бу масалаларни туман ҳокимликлари қўриб чиқишига тақдим этиш учун уларнинг ҳўзурида давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, ер тўзиш, сув ҳўжалиги, молия ва солиқ органлари вакиллари, шунингдек жамоатчилик

вакиллари иборат махсус комиссиялар тузилсин.

4. Банкларга ким ошди савдоси асосида ер участкалари сотиб олиш учун республика фуқароларига беш йилда тўлаш шарт билан кредит бериш тавсия қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ерга мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгаллик қилиш ҳўқуқини берадиган ордер олган фуқаро бир йил давомида бу ҳўқуқдан фойдаланмаган тақдирда ундан фойдаланилмаган ер участкасини уч баравар миқдорда ер солиғи ундирилади;

ердан мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгаллик қилиш ҳўқуқини берадиган ордерни олгандан сўнг икки йил давомида фойдаланилмаган ер участкалари эгаларига улар тўлаган қийматни қайтариб бериб, тортиб олинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

мазкур фармонни бажаришни таъминлаш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисида бир ой муддатда тақлифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 ноябрь.

ҲОСИЛ ЕРДА ҚОЛМАСИН

Республикамизда пахта йиғим-терими нисбатан етмиш-сикки. Аммо далаларда ҳали пешона тери эвазига етиштирилган қимматли саноат хомашёси тўла териб олинганча йўқ. Уни териб олиш эса ҳар бир пахтакорнинг муқаддас бурчи.

Пахта тайёрлаш режасини сурункасига бажармай келатган Тошкент вилоятида аҳвол қандай? Вилоятда жорий йил режасини бажариш имкониятлари етарлими? Давлатта шоти сотиш, фалла экиш ва энг муҳими, кузи шудорлаш ишлари қандай бажарилаётган? Тошкент вилояти ҳокимлигида туман ҳокимлари ва мутахассислар иштирокида ўтган йиғилишда ана шу масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими М. Икромов бошқарди. Вилоятда пахта йиғим-теримига етарли таътирлар қўрилмаганини бу йил яна панд берди. Айниқса, техникадан фойдаланиш самараси сезилмади, қўрак тегиш машиналарининг иш унуми пасайиб кетди. Кейинги ўн кунда теримчилар сони 70 минг кишига камайдди. Айниқса, режани бажарган туманларда 5-8 минг одам далага чиқмай қўйганлиги иш сурунлигини пасайишига кескин таъсир этмоқда.

Шуни айтиш керакки, ҳў

жаликларда етиштирилган пахтанинг асосий қисми ҳашарчилар ёрдамида терилди. Айрим туманларда аҳолининг пахта йиғим-теримига жалб этилиши кўнгилдагидек бўлмаётган. Вилоят пахта тайёрлаш режасини бажариш учун яна 11 минг тонна пахта бериши керак. Ҳўш, шунча миқдордаги пахтани териб олиш имкони борми?

Эътироф этиш керакки, айрим туманларда ҳали ҳўсил кўпчилиги қарамай, терим суруяти пасайиб кетди. Айниқса, бир неча йилдан бери пахта тайёрлаш режасини барбод қилиб келатган Бекобод туманида кузи-қилиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Мазкур туманда пахта кеҳ пишиди. Бунинг сабаби -- илгари туманда «Ан Боёвот», «Қирғиз-3» тезпишар пахта навлари экилиб, яхши ҳўсил олинган. Бу йил эса Бекобод туманидаги «Юлдуз» навлари экилди. Энди эса гўза тулларидаги ҳарорат етмагани сабабли очиломай турган қўмқўқ қўсақлар туманда бу йил

ҳам пахта тайёрлаш режаси бажарилмаганидан дарак бермоқда.

Йиғилишда вилоятда пахтани нобуд қилиш ҳўқуқини мавжудлиги, униб чиққан кузи фаллани моллар пайҳон қилаётгани ачиниш билан қайд этилди. Айни пайтда экиндан бўшаган майдонларни келтүси йил ҳўселига тайёрлаш кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Қўсидан бўшаган 50-60 фоиз ернинг атиги 22 фоиз шудорланди. Қўш эса эшик қўқмоқда. Вилоятда 1990 та трактор бўлган ҳўлда ер ҳайдаш ишларида атиги 330 трактор иштирок этипти.

Вилоят бу йил давлатта 30 минг тонна шоти бериши керак. Аммо, шу кунгача топирилган ҳўсил энди 20 минг тоннага етди, холос. Ваҳоланки, соҳа мутахассислари бу йил етиштирилган ҳўсил 50 минг тоннадан ортиқ эканлигини айтишмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тадбирлар белгиланди. Йиғилишда Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

П. НИШОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН

Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалик Фанлари академиясида «Гўза уруғчилиги: долзарб муаммоларни атрофлича ҳал этиш йўллари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлди. Унда олимлар, амалиётчилар -- тармоқнинг етакчи мутахассислари иштирок этишди.

Халқ таълими вазирлиги «Йил мактаби -- 94» деб номланган республика кўрик-танловини ўтказди.

Унинг ақуловчи қисми Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Жўззах виллоятининг Зомин туманидаги 1-ўрта мактаб биринчи ўринини, Шаҳрисабз шаҳридаги 8-ва Бўҳородаги 8-ўрта мактаблар иккинчи ҳамда учинчи ўринларини олишди.

Тошкентдаги «Ишчилар» нинг касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази» икки йил мобайнида ўрта ва олий маълумотли кўшилардан 300 нафар ҳўсоби тайёрланди. Хотин-қизларга эса бичиқчи-тикувчи, котиба-машинистка, котиба-референт касблари ўргатилди. Марказга қурувчилар тайёрлаб бериш учун уч мингта буюртма тушди.

Жўззах виллоятининг барча бозорларида, банк муассасалари ва савдо тармоқларида республикамизнинг биринчи пул-бўм лотереяси «Совга» сотилмоқда. Вилоят бўйича саккиз мингта актин лотерея билетни сотиш мўжжалланмоқда.

Бўҳорода қимматбаҳо қўғозлар бозорини ташкил этиш, ҳисдорлик жамиятлари ақцияларини чиқариш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Унда «Молия вазирлиги, Республика фонд биржаси мутахассислари ақцияларини рўйхатдан ўтказиш тартиби, бу борада йўл қўйлаётган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш тўғрисида қорхона ва ташкилот раҳбарларига йўл-йўриқлар берди.

Анджон: Пахтаобод тумани меҳнатқиларни давлат қабул пунктларига 23,5 минг тонна «оқ олтин» топириб, йиллик режани адо этиди. Туманда келтүси йил ҳўсели учун пухта тайёрларли бошлаб борилади. Майдонлар гўзавондан тозаланиб, пешма-пеш шудорланмоқда.

Қизилтепа туманидаги «Умид» кичик қорхонасида тўқимачилик цехи иш бошлади. Цех меҳнат аҳли тумандаги барча сайлов участкаларини беэза бу сайловчилар хонаси учун зарур 2 минг метр мато тўқиб беришга аҳд қилди.

Шу кеча-кундузда тўқувчи қизлар Моҳиғул Муродова, Азиза Эшонқўлова, Уғиллой Юсупова ўз сўзи устидан чиқиб, филокорона ишлапти.

Термизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари божхона хўзмати идоралари раҳбарларининг икки кўнлик учрашуви бошланди. Унда гўшаид ва инсон руҳига таъсир этувчи моддаларни тайёрловчи йўл билан олиб ўтган таътирнинг қарини қураш масалалари муҳокама этилмоқда.

Россия чегарачилари ва божхона хўзмати ходимлари Таллиндан Санкт-Петербургга бораётган поездни қўздан кечираётган пистолет ва 1000 донга ўқ топиб олишди. Эстония Россия чегарасидаги «Ивангород» назорат нуқтаси чегарачилари ақинда махсус аслаган автомобилни текшираётган, Хитойда ва Поляшда ишланган йирик миқдордаги пистолетларни қўлга туширган эди. Маълум бўлишича, сўнгги пайтларда йирик миқдорда Россияга контрабанда йўли билан қўрол-яроғ олиб келиш кўпайиб бормоқда.

Ҳиндистон тугилганларни қайд этиш миллий хўзмати бош директори Виджаянунни янги аср бошида Ҳиндистон аҳолисини сони 1 миллиард нафардан ошишини маълум қилди. У ақинда ўтказилган аҳолининг рўйхатга олиш ва социология тадқиқотлар натижаларига таъиниб, Ҳиндистон 2050 йилда дунёнинг энг сераҳоли мамлакатига айланишини таъкидлади. Унинг айтишича: агар, Ҳиндистонда ҳар бир оила ҳўзиргидек ўртача уч фарзандага эга бўлса, мамлакатнинг жами аҳоли сони бу вақтда 2,16 миллиард кишига етди.

Ангола ташқи ишлар вазир В. Моура билан муҳолиф қўшлар раҳбари, Уинга Бош котиби Э. Манувакола ўзаро тинчлик шартномасига имзо чекди. Бир йил давомида тайёрланган мазкур шартнома ҳўкумат билан қўролданган муҳолиф қўшлар ўртасидаги эҳдикнинг бартараф этилиш керак. Бирок, қўзатувчилар фикрига қараганда, ушбу шартномани ҳаётта таътиб этиш жуда мушқул масалалар.

Франция сиёсат майдонида «Франция учун ҳаракат» деб номланган янги уюшма пайдо бўлди. Унга миллий мажлис депутаты Филипп де Вилье асос солиди.

Янги ташкилот Франциянинг Европада нисбатан сиёсатига ўзгариш киритиш, ишисизликка қарши қуруш ва мамлакат ички сиёсатини асосли равишда амалга ошириш тарафдоридир. Янги уюшма Франциянинг муҳожирага нисбатан сиёсатига ҳам танқидий қарамолди.

Республикачалар партиясининг танқид раҳбарларидан бири, сенатор Роберт Доул Президент Билл Клинтоннинг АҚШ қўроли қўшлари бож қўмондон сифатида йўртатган фаолиятини таъкидлади. Бирок, мамлакат ҳарбий маълумоти борида қаршиликлар, Пентагон раҳбариятининг ақинда тарқатган хабарда айрим дивизиаларнинг жаҳо аҳолидаги маълум қилинган. Шунингдек, ҳарбийлар АҚШ маълумиятининг ҳарбий бюджетини яна 40 миллиард долларга қўшқариш режасига қарини бир неча бор норозилик билдирган.

«САМООБСЛУЖИВАНИЕ»ГА ЎТГАН СИГИРЛАР

(фелъетон урнида)

ОДАТДА бу хўзмет тури ошхона-ю дўконларда расм бўлгучи эди. Гулистон туманидаги «Янги ҳаёт» давлат ҳўжалигида эса ўз-ўзига хўзмет қўрсатиш фермадаги қорамоллар учун ҳам жорий қилинибди. Бу бу «янгилик» яхши «самаралар» берибди ҳам. Ҳўжалик бош чорвашуноси Қадармон Аҳмедов билан молхоналарни айланиб, қорамолларнинг ўз-ўзига хўзмет қўрсатишини аъло даражада ўзлаштириб олганликларини қўриб, ёқа ушлади. Молхоналарда биздан бошқа инсон зоти кўринмайди. Моллар кўни кеча ёққан ағар ҳўйил қилган қўмалар кечиб ўзларига емиш еттаришмоқда. Сал нарида нушхўрд уюмлари, яна бир жойда гўнг «қирмон»лари. Қани энди, арава бўлса-ю говмушлар гўнларни ўзлари далага олиб чиқиб туришса. Во ажабо, молхона ўртасидаги ягона пичан уюмини чорвадорлар қарамлаганими ёки... молларнинг ўзими? Фарамнинг пала-партиш уюлгандан кўнгилда ана шундай савол туғилади. Боз устига, фарамнинг тўрт томонида пичан оёқ-ости бўлиб ётибди. Нега? Бош чорвашуноснинг айтишича, бу ҳам «ўз-ўзига хўзмет»нинг «самараси» экан. Моллар гоҳида охурга пичан солинишини кутиб ўтирмай, қоринларини фарамнинг ўзидан тўйгазиб кетаверишар экан. «Чўкур» уйлаб қўрилса, бундан катта «фойда» бор: биринчидан, молларга озуқа тарқатишга ҳўжат қўлмайди. Иккинчидан, говмишлар керагича тамадди қилиш имкониятига эга бўлишади. Қойил-э!

«Янги ҳаёт»да бундай антиқа усулга ўтилганига анча йил бўлган кўринади. Шунданмики, оқиқ ва ёпиқ молхоналарнинг аҳволи афтодаҳол чиқиб қолган. Асосан, гўшт етиштиришга ихтисослашган бу ҳўжаликда махсуслот ҳам йил сайин камайиб бораётган. Агар 1993 йилда 275 тонна гўшт етиштирилган бўлса, бу йилги энди 102,5 тоннадан ошди. Бу ҳўл ҳўжаликда мол ва чўчка сонининг камайиб кетгани, боз устига қишга озуқа жамғариш ҳам қўл учиди бажарилгани оқибатидир. Эҳтиёжга 1450 ўрнига 550 тонна силос, 180 тонна ўрнига 77 тонна пичан қамланди, холос.

Чорвадорлар сентябрь-октябрь ойлари учун ҳали маош олишгани йўқ. Ҳўжаликнинг давлатдан ва турли ташкилотлардан қарзлари эса аллақачон бир миллиард сўмдан ошиб кетган. Шу боис ҳисдорлик жамиятига ўтишга жамоанинг юраги чопмай турибди.

«Янги ҳаёт» -- «Ўзгўштсаноат» концернига қарашли ҳўжалик. Бундан 2-3 ой олдин янги раҳбар иш бошлади. Энди бутун умид ундан.

А. ШЕРНАЗАРОВ
«Халқ сўзи» мухбири.

БАНК ФАОЛИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Республика прокуратурасида 23 ноябрь кўни ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари ва банк ходимларининг Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини тақомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига бағишланган навбатдаги мажлис бўлиб ўтди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишда банк тизими зиммасига катта масъулият юкланган. Айниқса, миллий валютанинг -- сўм қувватини оширишда банк-

лар фаолияти салмоқли ўрин тутди. Республика прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи В. Кабиров ҳамда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ахборотларидан улкан масъулиятни ҳис этиб иш юритаётган банклар томонидан пул муомаласи, кредит ва ташкилотларнинг ўзаро тўловлари, пул обороти, инкассация ва эмиссия тўғрисидаги меъёрий ҳўжатлар қонқирлиги бажарилаётгани таъкидланди. Бирок барча банкларда ҳам тегишли қондаларга риоя этилиши етарли даражада деб бўлмайди. Айрим ходимларнинг ўзлари-га ишониб топирилган

масъул вазифани суниётмол қилаётгани ҳам аниқланган. Ишга масъулиятсизлик билан ёндошиш, ўрнатилган қонунқондаларни бузиб, давлат ҳамда жамоа мулкига тажовуз қилишдек ҳўқуқ ва қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда. Мажлисда ушбу ҳўлатлар қаттиқ танқид остига олинди, уларга нисбатан муросасиз бўлар қонқирлиги бажарилаётгани таъкидланди. Бирок барча банкларда ҳам тегишли қондаларга риоя этилиши етарли даражада деб бўлмайди. Айрим ходимларнинг ўзлари-га ишониб топирилган

гарлик давом этмоқда. Айни пайтда депутатликка номзодлар рўйхати тасдиқланиб, сайлов жараёни билан боғлиқ ҳўжатлар тайёрланди ва жойларга тарқатилди. Бино, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлаш ишлари ҳам қонун талабларидан келиб чиққан ҳўлда амалга оширилмоқда.

Вилоят сайлов комиссиясининг ақинда бўлиб ўтган йиғилишда сайлов кампаниясининг кейинги босқичида номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш ва тарғибот ишлари учун зарур бўлган шароитлар яратиш каби масалалар қўриб чиқилди.

Т. РАЗЗОҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Фаргона виллоятда ҳам халқ депутатлари виллоят кенгаши сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда «Халқ депутатлари виллоят, туман ва шаҳар кенгашиларга сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ виллоят кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш, виллоят сайлов комиссиясининг иш фаолияти билан боғлиқ муҳим масалалар қўриб чиқилди. Унда илк бор кўппартиявийлик ва ошқора руҳда ўтаётган сайлов кампаниясини Республика семинар-кенгашида таъкидлаб ўтилган йўл-йўриқлар, ибратли ташаббуслар асосида ташкил этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳуусида сўз борди.

Йиғилишда ҳамма жойда ҳам сайловга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек амалга оширилмаётгани, айрим округ ва участкалар ҳанузгача телефон, радио алоқалари, замонавий компьютерлар билан етарлича таъминланмагани, хоналар, участкалар тўла талаб даражасида жиҳозланмагани қўрсатиб ўтилди. Йўл қўйилган камчиликларни тез кунда бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Янгиариқ туманида сайловга ҳўзирлик қизгин давом этмоқда. Яқинда бу ерда туман кенгашиларга сайлов ўтказувчи округ ва участкалар маъсул ходимлари иштирокида амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда сайловга тайёргарлик қонун доирасида олиб борилаётганлиги таъкидланди. Бундан ташқари туман сайлов округлари раисларининг ўз ҳўдулларида номзодларни рўйхатга олиш, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ҳақдаги ахборотлари тингланди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Хўрғаз виллояти.

ХАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ

Сурхондарё виллоятда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловга тайёр-

ЯНГИ БОДОМЗОРДА ТҮЙ

(репортаж)

Шу йил баҳорда бўлиб ўтган сурункали ёғингарчиликлар туфайли Китооб туманининг тоғли Койини, Бодомзор, Қосагар қишлоқларида кўчки бўлиши хавфи туғилгани, туман ҳокимлигининг хавфсиз жойларга кўчириш тўғрисидаги тadbирлари ҳақида газетамизда хабар берилган эди.

Хисор тизма тоғларининг Чумчуқли дарасига туташиб кетган қисмида ер ёрилиб, жуда катта ўпирилиш кутилди. Бу ҳақда сурилмаларни кузатув хизмати ходимлари туман ҳокимлигини, тегишли идораларни огоҳ этдилар, аҳоли хабардор қилинди.

Хавфли жойлардан аҳолини кўчириш ишлари бошлаб юборилди. Айрим кишиларнинг қаршичилиги қарамасдан ўпирилиш хавфи бор жойларда истиқомат қилиш қатъий ман этилди, аҳоли муваққат истиқомат жойларига, чодирларга кўчирилди. Шунингдек, уларга янгидан уй-жойлар қуриб беришга ҳам киришилди. Ана шу мақсадда бир йўла 100 хонадон учун томорқа ўлчаб берилди.

Қурилиш материаллари тақчил бўлиб турган кезларда бир-иккита уй эмас, бутун бир йирик қишлоқни барпо этиш анчагина мушкулликларни келтириб чиқарди, -- дейди туман ҳокими Озод Пармонов. -- Лекин буни уйдасидан чиқдик. Кўчки хавф солиб турган уй қишлоқ аҳолисини йирик қишлоқ барпо этиш билан уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида илгари тамаки экиб келинган кенг саҳнали майдон танланди.

Тоғ қишлоқлари ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин бир-бирига ўхшамаган, минг йиллар давомида

шақланган ўз анъана ва удумлири, яшаш тарзи бор. Шунинг учун аҳолига масаланинг қийинчилиги томонлари тушунтирилди. Урта кичик қишлоқ вужудга келтириш билан урта мактаб, урта тиббиёт бўлими ташкил этиш, электр тортиб бориш йўлидаги мушкулотлар айтилди. Ҳар уч қишлоқ учун бир жойдан йирик аҳоли истиқомат жойи барпо этишга келишилди. Бир йўла юздан ортқ уйга пойдевор ташланди.

Уй-жойларнинг ҳаммаси учун цемент, шағал, оҳак, шифер турли корхоналар, оталиқ қурилиш ташкилотлари томонидан бепул етказиб берилди. Кўпгина оилаларга ёғоч ҳам ажратилди. Мустақиллигимизнинг уч йиллиги байрами нишонланган кун 70 оила янги замонавий қишлоқда барпо этилган уй-жойларга кўчиб ўтишиб, ҳовли тўйлари ўтказдилар. Янги қишлоққа Янги Бодомзор деб ном берилди. Уч қишлоқдан таркиб топган, янги қишлоқ аҳоли яхши ният билан қишлоқ чор-атрофини бодомзор боғлар билан буркашга аҳд қилди. Шу кунгача янги қишлоқда қурилган ҳовли-жойлар сони 80 тадан ошиб кетди.

Яқинда Янги Бодомзорда биринчи тўй бўлиб ўтди, қишлоқ аҳоли ҳамқишлоқлари Розик Саидовлар оиласининг қувончини баҳам кўришди. Хонадоннинг тўнғич ўғли Абдурауфжон билан келин Матлубахонларнинг никоҳ тўйи нишонланди.

Янги Бодомзорда бўлиб ўтган биринчи тўй қишлоқдагина эмас, ҳатто туманда оғизга тушди, катта тантанасига айланиб кетди. Тўйга туман ҳокими бошлиқ ҳокимлик маҳкамаси ходимлари, туман ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Ҳовли тўйлари билан бошланган шодидоналар ёшларнинг бахт тўйига уланди.

Қишлоқлар аҳолисини янги жойга кўчирётганимиздан айримлар норози бўлишган, қурилиш материаллари танқислиги, салқин кунлар бошлангунга қадар уй-жойларни тиклаш ваҳимаси, масъулияти ўзимизни ҳам қийнаб турган эди -- дейди, «Варганза» жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Эркин Очилов. -- Лекин туман ҳокимлигининг тadbиркорлик ва талабчанлик билан иш кўрганлиги натижасида уй-жойлар вақтида тикланди.

Қишлоқ кишилари учун турар жойнинг тикланиши бошлана бўлишининг ўзи кифоя эмас, уларга биринчи навбатда молхоналар, чорва озуқаси, ўтин-чўп сақланадиган ёрдамчи бинолар ҳам зарур. Янги қишлоқнинг барпо этилишида қишлоқ кишиларининг ана шу талаб ва истаклари ҳам инобатга олинди.

Тоғлар бағрида табиат инжиқлиги туфайли янгидан вужудга келган қишлоқда ҳар ким ўз турмуш ташвишлари билан ҳўжалиқда кузги-қишқи тadbирларнинг амалга ошишига ҳисса қўшиш билан банд. Ҳаёт эса ўз оқимида давом этапти.

Пўлат ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН КУРСИЛАРИГА ФИЛОФ

Андижон мебел комбинатида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги очилган цехда диван, курси, стулларга филоф, чойшаб ва ёстиқ жилдлари, болалар кийимлари, жомакорлар ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу -- корхонада қўшимча даромад олиш ҳамда янги иш жойлари барпо қилиш имконини берди.

Цехда ҳар ойда 650--750 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

ИККИТА «МЕРСЕДЕС» ҲАДА ҚИЛДИ

Туркиянинг «Язекс» корпорацияси президенти жаноб Жинар Турганбей ўз ҳисобидан Эллиққалъа тумани марказий шифохонасига «Мерседес-бенц» русумли иккита «тез ёрдам» машинасини совға қилди. Зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган маскур машиналар аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Хорижлик саховатли тadbиркор кўриқ тумани шифокорларига ҳам ана шундай машиналардан бирини совға қилиш ниятида.

Нишона

Кўни кеча Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейида ижодкор ўқувчиларнинг Ватан мадҳига бағишланган мушоираси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўтказган бу тadbир ижодкор ўқувчиларнинг яқинда бўлиб ўтган республика кўрик-танловининг ўзвий қисмига айланиб кетди.

Мушоирага вилоят ўқувчиларининг кўрик-танловларида ғолиб чиққан ёш шоирлар таклиф этилди. Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан келган ўқувчиларнинг ижод намуналарини шуни кўрсатдики, ёш авлод -- руҳан соғлом, маънавий камолот йўлида тинимсиз изланишда. Уларнинг навқирон қаламлари маданий меросимиз илдизларидан ўсиб чиққан.

Режасига кўра бу анжуман кўрик-танлов тарзида ўтказилиши, олти шарт бўйича «имтиҳон»дан аъло ўтган ғолиблар соҳибдорлар билан тақдирланиши кўзда

тутилган. Бироқ ёшлар танловдан кўра мушоирани

ЎЗБЕКИСТОНИМНИ КУЙЛАЙМАН

ни афзал кўришди.

Биз Ватан куйчиси бўлмоқчимиз. Бугунги давра шёър чамани бўлишини истаймиз. Чунки бизнинг ҳаммамиз бирдек журавоз бўлбулар бўлишни орзу қиламиз, -- дейди Бешариқ туманидан келган Хулкар Бобораҳимов.

Турли вилоятларда таълим олиб, ижод қилаётган эллик нафар ўқувчи нафис санъат лицейидаги те-

нгдошларининг ўқишлари ва яшаш шароитлари билан танишдилар. Улар лицейда таҳсил кўраётган Шоди Отамуродов, Дилфуза Бегимова, Зулфия Усмонова, Шухрат Мамаввалиев, Хуршида Полвонова каби тенгдошларининг ижодига юқори баҳо беришди. Ўз навбатида, мезбонлар ҳам

қардилар.

Анжуманда ўқитувчилар, республика болалар матбуоти органларининг ходимлари, шоир ва ёзувчилар ҳам иштирок этишди. Мушоралар сўнг ўқувчилар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Жамол Камол ҳамда шоирлар Тўра Мирзо, Маъруф Жалил ва «Ёшлик» ойнамасининг бош муҳаррири Собир Умар билан суҳбатда бўлдилар.

Шу кўни ёш ижодкорлар нафис санъат лицейида фаолият кўрсатаётган «Мовароуннаҳр» ижодкорлар тўғрагининг амалий машғулотида қатнашиб, ўзаро фикр алмашишди. Ижод жараёнининг айрим сирларидан огоҳ бўлишди.

Мушоирани вазирлик ходими, шоир ва адиб Сафар Барноев бошқарди. Унда иштирок этган республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов ёшларга ижодий баркамоллик тиллади.

Мукаррама МУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



Бувайда тумани маркази -- Янги-кўргонда савдо алочиси, 40 йилга яқин шу соҳада меҳнат қилган Фотимахон ая Маҳмудхўжаева истиқомат қилади. Ёшлар мураббиси туман хиссадорлик матлубот жамияти раҳбарияти томонидан ўзи каби

фахрийларга кўрсатилаётган доимий эътибордан мамнун.

СУРАТДА: Бувайда хиссадорлик матлубот жамияти раиси Валижон Насимов Фотимахон ая Маҳмудхўжаева хонадонидан.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

БУТУН ВИЛОЯТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Наманган вилоятидаги Чуст шаҳрида карбид ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Цех бир йилда минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Энди қурувчилар, монтажчилар учун ўта зарур бўлган бу маҳсулот билан туманингина эмас, бутун вилоятни таъминлаш имкони пайдо бўлди.

Энг янги техника билан жиҳозланган цехни барпо қилиш учун ярим миллион сўмдан ортқ маблағ сарфлаш зарур эди. Вилоятдаги электр тармоқлари корхонаси, сув ҳўжалиги бошқармаси ҳамда қурилиш-таъмир трести аҳдлик билан ана шу маблағни тўплаб, цех барпо этилишига кўмаклашди. Натижада зарур маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан ташқари, ўттиз киши иш билан таъминланди.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Лотерея ўйинига автомобиллар, мебель комплекслари, гиламлар ва қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



Сизга реал ютуқ ютиш имкони беради! видеоаппаратуралар, телевизорлар, турли хил халқ истеъмол моллари

"СОВГА" лотереяси чиптапарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Билет баҳоси - 10 сўм.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг!

Сизга омад тилаймиз!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ — Сизнинг оилангиз учун совгадир! "Совга" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбаҳо ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Жамғарма банки

"Ўзбексавдо"

"Ўзбекбирлашув"

• Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан

КУРАШЧАН ҚАЛАМ

ёхуд адиб сатираси ҳақида

Абдулла Қодирий ижодий фаолиятининг илк давридаёқ ҳажвчиликка мойиллик кучли эди. Бу унинг дастлабки асарлари -- «Аҳволимиз», «Миллатга бир назар» шеърлари, шунингдек, «Жувонбоз», «Бахтсиз кўё» каби драмаларида ҳам яққол сезилиб турар эди.

Адибнинг газета ва журнал саҳифаларида босилиб турган публицистик мақолалари, хабарлари ва ҳажвийлари эса тифдорлиги билан ажралиб турар эди. Буни, ҳусусан, «Майда савдогарларга муносабат», «Думбаси тушиб қолган эмиш», «Бизда театр ишининг бо-риши», «Қироатхоналаримиз», «Қизил байроқ», «Спорт оғайниларга», «Матбуот», «Оғзинга қараб гапир» ва бошқа шу каби мақола, фелъетон ва ҳикоя-лари мисолида яққол кўриш мумкин.

1923 йилнинг бошларида «Туркистон» газетаси тахририяти бир кулги журнали ташкил этишни тақдир қилди. У бу тақдирни хурсандчилик билан қабул қилди ва журналга материал йиғиш, нашр этишга киришди. Бу тўғрида унинг ўзи шундай деб ёзди: «23 йилнинг февралда шекиллик, «Туркистон» газетасига ўртоқ Абдулхай Тожи муҳаррир этиб белгиланди ва шу ўртоқ бир кулги журнали чиқарингиз, деб мен билан Ғозини (Ғози Юнус) чақирди. (Бу вақтда Ғози газетанинг мудир эди) биз икков ишга киришдик...» Бу иш тез орада ўз натижасини кўрсатди, яъни 1923 йилнинг февраль ойидаёқ «Муштум» журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Журнал Абдулла Қодирийнинг «Муштум таърифиди» деган мақоласи билан очилди. У бу мақолада журналининг характери, унинг фаолият дасту-рини шарҳлаб шундай ёзди:

«Журналингиз... қўли қадоқлар син-фининг «муштуми»... Бу «Муштум» зўриқ муштуми эмас, қадиқ муштумидир: бу «муштум» золимлар муштуми эмас, маълумлар муштумидир. Шунинг учун ҳам бунинг маъноси бош-қачадир.

Мана шундай «саодатлар»да тўрт томондан мўраб, эл ичига ораб, ҳақиқатни қоралаб, ахшидан ёмонни саралаб, шайсий гараздан соф, тўғри юрмаганга боп бир «муштипузур»га эҳтиёж сезилди ва узоқ ўйлаб турилмай, узоқ-яқин, дўст душманларимизнинг кўмаклари умидда ушбу «Муштум» журналининг нашрига ҳам қарор берилди.

Тўшунингиз устига янги меҳмон муборак бўлсин, афандилар!

Абдулла Қодирийнинг бу мақола-си, айни вақтда, унинг ўз эстетик принципи ва шунга мувофиқ сатирик услуби характери билан қисман ифода этар эдики, ибодатини мақкур жур-нал саҳифаларида ва бошқа газеталарнинг (масалан, «Ёш ленинчи» газетасининг «паншаха» сатира бўли-мида эълон қилиб турган турли публицистик мақолаларни, ўткир тигли фелъетонлари, кувнок қаҳқаҳали ҳа-жвлари мисолида ҳам жуда равшан кўрса бўлади. Абдулла Қодирий бу асарларида даврнинг ижтимоий-сиё-сий, маданий-маиший ҳаётига оид энг муҳим масалаларни кўтариб чиқишга ҳаракат қилган. Халқ онгини диний сафсаталар билан заҳарлаган, уларни тўғри йўлдан тараққий, матрифат ва маданият йўлидан адаштирган «сал-ласи катта, калласи пуч» мулларлар, дами ўтмас домоллар, нодон, яқов, лақамлар, бадкор-бадфеас эшонлар, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйла-майдиган худбин, жоҳил бойлар, ҳа-сис, зикна савдогарлар, дунё ишдан беҳабар беор, бадфелъ ўғирлар, ка-зоблар, муттаҳамлар ҳамма-ҳаммаси Абдулла Қодирий ҳажвийсидан омон топмасди.

«Ит уриштириш ишлари», «Салом-нома», «Пўсткаласи», «Нима, қаёққа кетди?», «Ишқи йўқ эшак, дарли йўқ кесак», «Биз ким ва нималардан кўр-қамиз», «Аралаш», «Бўтқа», «Эй, худо урганлар!», «Эчкининг номи Абдука-рим», «Тошкент бойлари», «Статис-тиканинг кўрсатиши», «Дўстларга уз-рим», «Ғиди-биди гаплар», «Газета-лардан», «Матбуот кўни», «Олти йил-лик базм», каби публицистик мақола ҳамда ҳажвийлари, шунингдек, «Муш-тум»нинг борди-келдиси» рубрикаси остида бир неча сонларда босилиб чиқ-қан ва ҳар бирида кундалик ҳаётнинг у ёки бу томонларига оид масалалар-ни акс эттириш мақсадини ўз олдига вазифа қилиб қўйган «Қалвак Мах-зум»нинг хотира дафтаридан», «Тош-пўлаж тажани нима дейди?», «Шарпон ҳола нима дейди?», туркумлари ана шундай ҳажвийлардир.

Булар давр талаби билан ёзилган ўзбек сатиригининг янги даврдаги да-стлабки намуналари сифатида айрича

аҳамиятга эга асарлардир.

«Биз ким ва нималардан кўр-қамиз»да ёзувчининг мавзу макъси хал-қаро доирага чиқади. Унда мустамла-качилар, мансабпарастлар, дўкондор савдогарларнинг пасткашликлари фош қилинади. Чунончи, Абдулла Қо-дирий дўкондорлар ҳақида сўз юри-тар экан, ёзди: «дўкон савдоси яқин-лашса, ижарани ошириб юбуратур-гон яқанчилардан кўрқадир». Қўлла-рига кўпроқ пул йиғилиб қолса мол-лари охиш пул курсининг тушиб ке-тишидан кўрқадилар, қўлида анчайин қоғоз кўтарган кишини кўрса, «тор-говий налоғи» тушмоғидан кўрқадилар, рўза ойи кириб закот бериш эси-га тушса, моллар ҳисобини олишдан кўрқадилар, ҳар ҳолда бу дуркун халқ учун ер ҳам кўрқинч, кўк ҳам кўрқинч. Фақат қора ерининг остигина ти-нчдир».

Абдулла Қодирийнинг аввал «Ин-қилоб», «Коммунист йўлдоши» жур-налларида ишлагани, ижтимоий ҳаёт-нинг энг қайноқ участкаларида бўли-ши ва «Муштум» журнали тахририя-тида муҳаррир ва ҳодим бўлиб фао-лият кўрсатиши унинг каломини ўт-кир, тилини бурро қилди, дунёқара-шини кенгайтди. Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ҳозиржавоблик билан муносабат билдиришга ўргатди. Уша пайтларда журналининг бирор сони йўқ эдики, адибнинг бирор памфлети, ё бирор мақоласи босилиб чиқмаган бўлсин. Етук журналист бўлиб шакл-ланган Абдулла Қодирий энди воқе-лянинг энг кичик ҳодисаларидан энг катта масалаларига ҳам ўз асарлари-ни киритиш журватига эга бўлди ва улар-га нисбатан дадил ва бир тарзда кес-кин муносабат билдирди. «Сибёст майдонларида», «Маков хатлари», «Олти йиллик базм» ва бошқа шу ка-би жуда кўп асарлари ана шулар си-расига киради.

«Москов хатлари» туркуми публи-цистнинг Москвага ўқишга берган йилларида яратилган бўлиб, унда муаллиф, «Муштум» журналининг ана шу шаҳардаги мақсус муҳбири қиёфа-сида намоён бўлади ва у ердаги во-қеа-ҳодисаларга «муштумона» кўз би-лан қарашга ҳаракат қилади.

«Муштум!»

Хузуридан чиқар чоғимда менга берган ваколатинг ҳамон бўйнимда тумордир. Бироқ сипоринингни қайси йўл билан бажаришга ҳайрон-ман. Чунки Москванинг барча ишла-ри олифта. Сента яроқли, ярали ери-ни тутиб бериш қийин... Шундай бўлса ҳам, у, бу азим шаҳардан «Муш-тум»-боп гапларни топади.

Маълумки, ўша йилларда миллий кадрлар этиштириш мақсадида Ўрта Осиё республикаларидан Москвага кўлаб ёшлар ўқишга юборилган. Улар орасида Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам бор эди. У «Муштум»-боп гапларни ана ўша ўқувчилар орасидан топади ва ўқиш, илм олиш, давр ва шароит яратиб берган катта имкониятдан, ол-тинга тенг қимматли вақтлардан унум-ли фойдаланиш ўрнига фақат дам олиш, фақат кайфу сафо қилишга кел-гануш нўжўя ҳатти-ҳаракатлар билан шугулланган кимсаларни гоёт қиём-га келтириб ҳажв калтаги остига ола-ди.

Қодирий ўз мақола ва фелъетонла-рини ёзишда, ўзи айтгандай, «фалса-фага бўкиб, ўқиғувчининг миясини қоққач, қатгини қўлига бериб ўти-ришни унча дўст» кўрмайди. Тўппа-тўғри масаланинг манбаига қараб йўл солади. Гапнинг «пўсткаласи»сини айтиб қўя қолади. Унинг «Олти йил-лик базм», «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», «Саккиз йил», «Дўстларга узрим», «Эй, худо урган-лар!», «Тошкент фирқа конференция-сини томдан сўрдим», «Ийгинди гап-лар» ва бошқа шу хилдаги асарлари ана шундан далолат бериб туради.

Бу жиҳатдан унинг «Олти йиллик базм» мақоласи алоҳида диққатга са-зovorдир. Унда ўзбек матбуотида фаол қатнашган ва ўз фаолиятларида хато ва нуқсонларга йўл қўйган ижодкор-лар ярим ҳазил, ярим чин таразда тан-қид остига олинади. Батзи публици-стларнинг миллатчилик руҳидаги чи-қишларини қоралайди. «Сўқдан бўл-дим, мейчанда бўлдим, ҳар нечук-да юқори кўчани қўйиб, қуйи кўчадан кетдингиз? Тўғри кўчада алжиб, бўли кўчага бурилдингиз ва шунинг ила

матбуотимизни довдиратдингиз» дейди. У Усмонхон, Чўлпон, Ашуралли домла, Шохид, Ҳожи Муин сингари қалам-кашларни ҳам бир-бир чандиб ўтади. Масалан, у Ҳожи Муин ҳақида ёзар экан, унинг ўз журналистик маҳорати-ни ошириш устида ишламаётганлиги-ни танқид қилиб дейди:

«Ҳожи Муин ибн Шукруллонинг ол-ти йиллик умри таржимаи ҳол ёзиш билан ўтди... Мутаваккалин алайҳ бит-тасини ўлдига чиқариб, Зарафшонда марҳумнинг таржимаи холини ёзабош-лаган эди. Бироқ, таассуфга қарши «рах-матли» ўлмаган экан. Яъни марҳумни-нг ўзи бол-фелъ газетда Ҳожи Муин-нинг юзига бир шاپалоқ қўйиб, аранг таржимаи ҳолчининг чангалидан қу-тилиб қолди. Ҳар нечук Ҳожи Муин кўз остига олган кишиларни (мавзулари) кўп бўлса ҳам, бахтга қарши ҳамон марҳум бўлмай бечорага тузукроқ иш-лашга имкон бермай келди. Бу жиҳат-дан қараганда Ҳожи Муин афанди маъзурдир».

У мақолада таржимон Вали Алла-мовни танқид қилиб, ёзди: «Вали Ал-ламов (Нурмат) ажойиб бир истеълод-га молик таржимондир. Ўзи ҳақиқатда 50 оғиз чамаси ўзбекча сўз билади. Лекин ўзининг фавқулодда истеълоди соясига шу 50 оғиз дастмоси билан ўн минг калималик маъноларни ифода қи-ла олади. Ўзбекча сўз қаҳатчилигига учраган бир замонда Алломов ўртоқ-нинг бу ҳунари шоъд таҳсин ва таҳдир-дир».

Абдулла Қодирий бу мақоласида жу-да кўп кишилар исмини, жумладан, Санжар Сиддик, Вали Маҳмуд, Шоир Раҳимий, Зиё Саид, Зекний, Элбек ва ҳатто ўзбек журналистиксининг илк намоёндаларидан Садриддин Айний, Мирмуҳсин ва бошқаларни ҳам тилга олади ва уларнинг ўзбек матбуотидаги фаолиятларига қисқа-қисқа характери-стика бериб, журналист тилининг халқ-чил бўлишини талаб этади. Ўзбек ала-бий тилини сохталаштиришга қаратил-ган ғайри илмий тенденцияларга қар-ши рўй-рост сўзлар айтиб, чунончи, Шохид Эсон ҳақида ёзди:

«Эсон афандимиз сўзига матбуот ту-шунмаганидек, матбуотниқига Эсон афанди тушунмайди. Бу уни уч пулга олмасе ул ҳам буну уч пулга олмайди. Ҳар ҳолда айб бўлдики, тошдами, бу-нинг ҳукмини келгусига ҳавола қила-миз».

Қодирий сатирик кулгини уч турга бўлади. Биринчисини мутойба (яъни шарҳ), иккинчисини юмор (ҳажв) ва учинчисини сатира (ибрат) деб кўрса-тади. Бу уч турли кулгуликни ифода қилишда ёрдамчилик-воситачилик хиз-мати ўтагучи унсурлар деб ҳазил, киноя, муболага, тасвир, ташбиҳ, там-сил, истиора, татаққул, халқ мақолла-ри ва таъбирлари ва шунга ўхшашлар-ни олади ва ўзи белгиланган кулгу тур-ларининг ҳаммасида асарлар яратадик-ни, бу унинг юқорида тилга олиб ўтган асарлар мисолида ҳам яққол кўриниб туради.

Ёзувчи ўз журналистик фаолиятида характер кулгусининг афзаллигини йи-гирманчи йилларнинг бошларидаёқ ту-шунган ва ўз ижодида бу усулга кенг ўрин берган.

Газета ва журналларга юборилади-ган материалларнинг жиддий бўлиши-ни, уларда кўтариладиган масалалар, принципиал масалалар бўлишини талаб қилади, матбуотнинг гоёйилиги, жанговарлиги, сиёсий ўткирлиги учун курашда ва бу гоёйилик жанговор-лик, ўткирликка, халқнинг ўз таъбиға, миллий руҳига яқин тил, ҳаётий халқ-чил услуб орқали эришиш мумкинли-гини амалда кўрсатади.

Абдулла Қодирий матбуотнинг жа-ҳоншумул аҳамиятини чуқур тушуниб етган ва ҳақиқат тантанасидан руҳа-ниб ўз каламини жаҳолатга, меҳнат-каш халқ душманларига қарши қарат-ган оташнафас, ҳақиқатчи, моҳир пуб-лицист даражасига ўсиб чиқди. У ўзи-ни халқ матбуотининг ҳодими, илгор гоёлар тарғиботчиси эканлиги билан гоёт фахрланар эди. Бу, ҳусусан, унинг матбуотни халқаро миқёсда уйнаган ро-лини улуғлашга бағишланган бир неча мақолаларида, жумладан, «Матбуот кўни» публицистик мақоласида жуда ёрқин ифодалангандир.

Адиб ўз асарларида халқ оғзаки ижо-диёти анъаналаридан гоёт унумли фойдаланди ва шу йўл билан ижти-моий қайноқ давр, бўрилишлар даври-даги ҳаёт кун тартибига қўйган энг дозарб масалаларни кўтариб чиқишга интилиди ва бунга эришди. Унинг қала-ми курашчан қалам эди.


Бу қалам кудратга ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ. У -- ҳамон курашда.

Фатхиддин НАСРИДИНОВ,

филология фанлари номзоди, доцент.



“Ўзугуржибиржасавдо” қошидаги доимий фаолият кўрсатувчи “Ярмарка” халқ хўжалиги соҳасидаги барча маҳсулотлар турлари бўйича савдо-сотиқ ярмаркаларини ўтказишини эълон қилади.



1995 йилда ўз корхонангизни керакли маҳсулотлар билан юз фойз таъминлаш имкониятига эга бўласиз!

Имкониятини кўраган бой берманг!

Диққат, барча корхона ва ташкилот, тижорат фирмалари раҳбарлари!

Бошқа шаҳар-лардан келган ярмарка қатнашчилари меҳмонхона-дан жой билан таъминланадилар.

Шоппинг! Биз Сизни кутамиз!

Ярмаркада харид қилинган маҳсулотлар-ни Республикадан ташқарига жўнатилиш лицензиясиз ва божхона божлари тўловисиз амалга оширилади!

Қўшимча маълумотлар учун манзилгоҳ: 700038, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 7.

Телефонлар: 41-18-21, 41-22-54, 41-30-93 ва 41-11-81.

Савдо-сотиқ турлари:

27 ноябрь - 2 декабрда

Тошкент ш., Навоий-7

маданий-маиший, спорт, хўжалик моллари, атторчилик ва парфюмерия, қурилиш материаллари ва ишлатишга ярокли чиқиндилар.

4 декабрь - 7 декабрда

Тошкент ш., Навоий-7

пойабзал.

9 декабрь - 14 декабрда

МИЧБ "Тошкент"

мебель

"Магазин-Мавзук" кўчаси, 254

16 декабрь - 21 декабрда

Тошкент ш., Навоий-7

киyim-кечак.

22 декабрь - 29 декабрда

Тошкент ш., Навоий-7

озик-овқат маҳсулотлари.

«Тандирдан эндигина узилган» хабарлар

ҚАРИЙБ УЧ МИНГ КИЛОМЕТРЛИ ҚУВУР

Бухоро вилояти ҳо-кимлиги 1995-2000 йилларга мўлжаллан-ган аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқ-ди. Дастурга қўра яқин беш йил ичида вилоят-даги шаҳарларни 100 фойз, қишлоқларнинг эса камида 75 фойзи-ни тоза сув билан таъминлаш, бунинг учун эса 2580 киломе-трик водопровод тар-моғини барпо этиш ре-жалаштирилмоқда.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Қорақалпоғистон Республикасининг Ну-кус ва Мўйноқ шаҳар-ларида камқонлик ка-сали ва уни даволаш масалалари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўз-бекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШнинг «Кросслинк интернейшнл» жамия-ти мутахассислари ҳамда Қорақалпоғис-тонлик шифокорлар иштирок этишди.

Анжумунда Орол-бўйи ҳудудида кам-қонлик касалига қар-ши қўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада «Кросслинк интер-нейшнл» жамияти би-лан қилинаётган ҳам-корлик натижалари муҳокама этилди. Шу кунларда Мўй-ноқ аҳолиси мақкур жамият билан ҳамкор-ликда тиббий кўрик-дан ўтказилмоқда. Тез орада эса Оролбўйи аҳолиси учун дори-дармонлар келтири-лади.

ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ШОШИЛИНЧ СОТИБ ОЛАДИ:

1. зангламайдиган пўлатни пайвандлаш учун 1,2 дан 3 гача d электродларни,
2. 8-10 мм. қалинликдаги металл лист,
3. диаметри 60-100 мм. бўлган халқа,
4. эритмачи,
5. НЦ ёки КО лаки.

Қуйидаги маҳсулотларни мавоза қилиш мумкин:

1. ёғ пресслагич,
2. макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган машина,
3. электр дудлаш қутиси,
4. "ФЕРМЕР" қурилмаси,
5. "Шакар момиқ" қурилмаси,
6. электр кабоб қўра,
7. бөг-ҳовли мебли мажмуи,
8. айланадиган оромкурси,
9. плёнка-пайвандлаш аппарати.

АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОН: 74-52-76.

Ўзбекистон Республикаси Дав-лат киноматериали, Ўзбекистон киноматографичлар уюшмаси халқимизнинг севимли санъаткори, Давлат мукофотлари соҳиб, танкил кино ва театр актери

Ўзбекистон Давлат телера-диокомпанияси жамоваси кевка ҳодим

Ўзбекистон педиатрия илмий тақдирини институт ва клиника жамоваси лаборатория мудир, катта илмий ҳодим У. А. Қар-моғва волидин муҳтарамаси

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодий 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тўғри муҳаррират 33-10-28.

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир — М. Холматова.
Набатчи — Б. Остонакулов.